



ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

7 йил „31“ март

№ 62-К

Самарқанд тайёрагоҳини кенгайтириш учун 13,7 гектар ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида” ги Қонунининг 12 моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 январдаги 51 рақамли қарорига асосан Самарқанд туман ҳокимининг 1997 йил 26 февралдаги 110-қ рақамли қабул қилган қарорини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд туман ҳокимининг 1997 йил 26 февралдаги 110-қ рақамли “Самарқанд тайёрагоҳини кенгайтириш учун “Зарафшон” жамоа хўжалигининг 13,7 гектар сувли ҳайдаладиган ер майдонини ажратиш тўғрисида” ги қарори тасдиқлансин.

2. Самарқанд тайёрагоҳига 56 балли ажратилаётган 13,7 гектар ер майдонини ўрнини қоплаш учун вилоят ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш бошқармасининг ҳисобига 4093560 (тўрт миллион тўқсон уч минг беш юз олтимиш) сўм, қурилиш даврида кесиладиган кўп йиллик дарахтлар ва бошқа келтирилган зарарлар учун “Зарафшон” жамоа хўжалигининг ҳисобига 204000 (икки юз тўрт минг) сўм миқдорда пул ўтказиш топширилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Ҳамроевга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



А.МАРДИЕВ